


BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

12/2024

E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



@buxdu_uz



@buxdu1



@buxdu1



www.buxdu.uz

12/2024

<https://buxdu.uz>

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal
2024, № 12, dekabr

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha, **tarix** fanlari bo'yicha 2023-yil 29-avgustdan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar Vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.

Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Moldova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich, filologiya fanlari doktori, professor

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor

Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoiri Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bekova Nazora Jo'rayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Hamroyeva Shahlo Mirjonovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Nigmatova Lola Xamidovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori

Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Xolliyev Askar Ergashovich, biologiya fanlari doktori, professor

Artikova Hafiza To'ymurodovna, biologiya fanlari doktori, professor

Norboyeva Umida Toshtemirovna, biologiya fanlari doktori, professor

Hayitov Shavkat Ahmadovich, filologiya fanlari doktori, professor

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Ixtiyarova Gulnora Akmalovna, kimyo fanlari doktori, professor

Rasulov Zubaydullo Izomovich, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Samiyev Kamoliddin A'zamovich, texnika fanlari doktori, dotsent

Esanov Husniddin Qurbonovich, biologiya fanlari doktori, dotsent

Raupov Soyib Saidovich, tarix fanlari nomzodi, professor

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, professor

Jumayev Jura, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent

Klichev Qybek Abdurasulovich, tarix fanlari doktori, dotsent

G'aybulayeva Nafisa Izattullayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), professor

MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS		
FALSAFA VA HUQUQ, SIYOSATSHUNOSLIK *** PHILOSOPHY, LAW AND POLITICAL SCIENCES *** ФИЛОСОФИЯ, ПРАВО И ПОЛИТОЛОГИЯ		
Mamatqulova D.Y.	Dunyoviy bilimlar va diniy e'tiqod birligiga erishishning ahamiyati	3
Rashidov R.R.	Afg'onistondagi jamoat tuzilmalari va ularning jamiyatda tutgan o'rni	7
Ro'ziqulov A.O'.	O'tgan asr so'nggi choragida Afg'onistondagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar tahlili	12
Раупов С.С.	Шўролар ҳокимияти йилларида маҳалла институти	17
Akramova Sh.A.	Huquqiy madaniyat – harbiy xizmatchilarni jamiyatda inson huquqlarini ta'minlashdagi oliy ko'rinishi sifatida	23
Битураев У.Б.	“Zeitenwende”дан сўнг Германиянинг Марказий Осиёга нисбатан янги нигоҳи: геосиёсатдан геоиқтисодга ўтиш	29
Бозоров З.З.	Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида	34
TARIX *** HISTORY *** ИСТОРИЯ		
Aymatova Z.G'.	XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Markaziy Osiyo musulmonlarning haj ziyorati yo'l va yo'nalishlari	37
Boltayev A.X.	Buxoro tarixini o'rganayotgan jamiyatlar (“Qadim Buxoro” ilmiy-tadqiqot markazi misolida)	42
Jo'rayev I.I.	1950-80-yillarda O'zbekistonda qishloq xo'jaligi tarmoqlarini ixtisoslashtirilishi tarixidan	46
Nasilloev S.Sh.	O'zbekiston SSR qishloq xo'jaligi fanlarida aspirantura orqali ilmiy kadrlar tayyorlashning muammo va yechimlari (1960-1970 yillar misolida)	51
Nivedita D.K.	Timur Statehood and its role in shaping Central Asian regionalism	55
Qandov B.M.	Turkistonda kadrlarni mahalliyashtirish siyosatida Turor Risqulovning roli (XX asrning 20-30-yillari)	60
Ubaydullayev O'.Q.	O'zbekistonda “Qosimovchilik” guruhi qatag'oni va uning keyingi bosqichlari	66
Utepbergenova A.K.	Qoraqalpog'iston Respublikasi teleradiokompaniyasi faoliyatining shakllanishi	71
Xolmuminov X.E.	Buxoro amirligi janubiy hududlari tarixiy demografik jarayonlarini o'rganish mavzusining nazariy-uslubiy asoslari (XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlari)	75

etilayotgan davr mobaynida Afgʻonistonda yuzaga kelgan barcha muammolar hamda kelishmovchiliklarning negizi boʻlib keldi.

ADABIYOTLAR:

1. Корзун В.Г. История Афганистана. XX век. М.: ИВ РАН, Крафт+, 2004. - 528 с.
2. Arnold, A. *Afghanistan: The Soviet Invasion in Perspective*. – Stanford: Hoover Institution Press, 1981. – 287 p.
3. Босин Ю.В. *Афганистан: полиэтническое общество и государственная власть в историческом контексте. Монография*. – М.: Гуманитарий, 2002. - 232 с.
4. Barfield, T. *Afghanistan: a Cultural and Political History*. – New Jersey: Princeton University Press, 2010. - 389 p.
5. Dorronsoro, G. *Revolution Unending. Afghanistan: 1979 to the Present*. – London: Hurst & Co., 2005. - 370 p.
6. Rashidov R.R. *Afgʻonistonda davlatchilik masalasi: tarix va hozirgi zamon / Monografiya*. – Toshkent: “Navroʻz” nashriyoti, 2017. - 264 b.
7. Isby, D.C. *Russia's War in Afghanistan (Men-at-arms series; 178)*. – London: Osprey Publishing Ltd, 1986. – P. 23.
8. Rubin, B. *The Fragmentation of Afghanistan: State Formation and Collapse in the International System*. – London: Yale University Press, 2002. – P. 120.

ШҶРОЛАР ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАХАЛЛА ИНСТИТУТИ

*Раунов Сойиб Саидович,**Бухоро давлат университети “Ижтимоий–сиёсий фанлар”
кафедраси профессори, тарих фанлари номзоди
s.s.raupov@buxdu.uz*

Аннотация. Мақолада маҳалла институтининг тарихда тутган ўрни ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органи сифатида жамиятни бошқаришдаги ролига алоҳида эътибор қаратилган. Қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг фуқароларни ўзини – ўзи бошқариш органлари сифатидаги фаолияти очиб берилган. Шунингдек, собиқ Шўролар ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати йилларида маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларга бўлган салбий муносабатини атрофлича таҳлил қилиниб, улар фаолиятини советлаштириш сиёсатининг моҳияти ва бу сиёсатда районлаштириш ва коллективлаштиришнинг ўрни ва роли кўрсатилиб, илмий хулосалар беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: шўролар ҳокимияти, мустамлакачилик сиёсати, маҳалла, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши, маҳалла раиси (оқсоқоли), қишлоқ жамоаси, кўчманчи жамоалар, қишлоқ ва овул советлари, коллективлаштириш.

ИНСТИТУТ МАХАЛЛИ В ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ

Аннотация. В статье рассматривается роль института махалли в истории и его значение в управлении обществом как органа самоуправления граждан. Раскрывается деятельность сельских общин и общин кочевников как органов самоуправления граждан. Также в годы колониальной политики бывших советских властей была всесторонне оценена негативная позиция органов махаллинского самоуправления по отношению к махаллям, была сделана попытка научно обосновать значение политики советизации их деятельности и роль районирования и коллективизации в этой политике.

Ключевые слова: советская власть, колониальная политика, махалля, самоуправление граждан, председатель (старейшина) махалли, сельская община, кочевые общины, сельские и поселковые советы, коллективизация.

THE MAHALLA INSTITUTE DURING THE SOVIET ERA

Abstract. The article examines the role of the mahalla institute in history and its importance in the management of society as a self-governing body of citizens. The activities of rural communities and nomadic communities as self-governing bodies of citizens are revealed. Also, during the years of the colonial policy of the former soviet authorities, the negative position of the makhalla self-government bodies in relation to the makhallas was comprehensively assessed, and they tried to scientifically substantiate the importance of the policy of sovietization of their activities and the role of zoning and collectivization in this policy.

Keywords: the power of the Soviets, colonial policy, Mahalla, self-government of citizens, Mahalla chairman (elder), village community, nomadic communities, rural and ovul Soviets, collectivization.

*«Маҳалла халқ билан давлат
ўртасидаги кўприк бўлиши керак.
Одамларнинг қувончу таъвишидан
доимо хабардор бўлиш
маҳалланинг асосий вазифасидир»[1]
Шавкат Мирзиёев.*

Кириш. Бугун мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислохотлар амалга оширилиши натижасида фуқаролик жамияти ва нодавлат нотижорат ташкилотлари учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш бўйича конунчилик ташаббусларига фуқаролик жамиятини янада фаол жалб қилиш ҳамда ушбу йўналишда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик

жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. “Учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат, жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-этиборининг ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг муҳим воситасига айланди.

Адабиётлар шарҳи. Сиёсатшуносларнинг фикрича, “ўзини-ўзи бошқариш” тушунчаси давлатга нисбатан фуқаролар жамоалари мустақиллигининг шаклланиши билан боғлиқдир. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихига назар ташласак маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш вазифасини маҳалла институти бажарганлигининг гувоҳи бўламиз.

Маҳалла – (арабча “маҳалла” – ўрин, жой, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитида, асрлар давомида шаклланиб фаолият кўрсатаётган аҳоли яшаётган маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшма. Маҳаллалар 1917 йилгача бўлган даврда жуда кенг иш олиб бориб маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи уюштирувчи ташкилий тузилма бўлганлар. Маҳалла ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда излаб топган ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш кўриш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазилатларини акс эттиради. Маҳаллалар аҳолини аҳл-тотув яшашга, ситқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечиришни енгиллаштиришга чақиради.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиб, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси- бирлигидир. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб Маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган. Маҳалланинг асосий вазифалари: маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудини батартиб сақлаш ва ободонлаштириш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф-одатларга риоя қилиш ва уларни бузган, жамоат мажбуриятларидан бўйин товлаганларни жазолашдан иборат бўлган. Маҳалла раҳбарияти ариқ-ҳовузларни тозалаш, кўчалар, йўللار қуриш ва Маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишларини уюштирганлар. Бу ишларнинг барчаси биргаликда ҳашар йўли билан амалга оширилган.

Методология. Ана шундай узоқ тарихга ва жуда бой анъаналарга эга бўлган маҳалла - маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими дастлаб чор Россиясининг, кейинчалик шўролар ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўз мавқеини йўқотиб мустамлакачилик сиёсатига хизмат қиладиган ташкилотга айлантирилди.

Собиқ шўролар ҳокимияти ўз ҳукумронлигининг дастлабки йиллариданок миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни йўқотишга қаратилган сиёсат юргизди. Жумладан, маҳалла институтининг ҳам асл моҳиятини йўққа чиқаришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинди.

Совет ҳукумати Маҳаллага ўз умрини яшаб бўлган ўтмиш сарқити сифатида қаради. Шундан келиб чиқиб, у анъанавий миллий бошқарувларни бекор қилиш йўли билан бу ерда саноатлашган «илғор» жамиятни қарор топтириш сиёсатини жорий этишга киришди. 20-йиллар бошлариданок совет ҳукумати маҳаллалар вазифасини чеклаш, ўзига бўйсундиришга интилди, бу ҳол маҳалла фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Шунга қарамай Маҳалла ўзининг яшовчанлигини намоён этиб, анъанавий ҳаёт ва алоқа тарзига қарши ҳар қандай ҳужумларга ва уларни йўқотиш йўлидаги уринишларга дош берди. У илгариги ҳаёт тарзи, урф-одат ва расм-русумларни сақлаб қолди.

XX асрнинг 20—30-йилларда Маҳалла эски турмушга қарши «ҳужум»да — паранжи ташлаш ва хотин - қизларни озодликка чиқариш ҳаракатида иштирок этди. Шу билан бирга Маҳалла саводсизликни тугатиш, оммани маърифатли қилиш, жойларни ободонлаштириш (йўл, чойхона, мактаблар қурилиши) да муҳим аҳамият касб этди.

Муҳокама. 1932-йил апрель ойида қабул қилинган “Шаҳар маҳалла қўмиталари тўғрисида”ги низомга асосан маҳаллаларнинг фаолият доираси анча чеклаб қўйилди [2]. Гап шундаки, шўролар ҳокимияти йилларида демократиянинг ҳар қандай кўриниши, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувига ҳам салбий муносабатда бўлиниб, жойларда маҳаллалар зиммасида бўлган ишлар эндиликда маҳаллий давлат ҳокимиятлари зиммасига юклатилди. Маҳаллий ҳокимиятлар қишлоқ, овул, пасёлка советлари (кенгашлари) кўринишида жамиятнинг энг қуйи бўғинларигача етиб борди.

Шуниси диққатга сазоворки, Шўродар ҳукумати маҳаллаларни бутунлай тугата олмади. 1935 — 36 й.ларда Маҳаллаларда оқсоқол бошчилигида Маҳалла кўмиталари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган барча ишларни раис бошқарадиган бўлди.

2-жаҳон уруши йилларида эса Маҳалла байналмилалчилик табиатини намоён этди. Уруш даврида Маҳалла кўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, аҳолидан посилка жўнатиш, кўчириб келтирилган аҳолини, болаларни жойлаштиришда фаол иштирок этди.

Амалга оширилган ушбу хизматларга қарамасдан Шўролар ҳокимияти Маҳалланинг тарихий роли – фуқароларнинг маҳаллий ўзини - ўзи бошқариш вазифасини қайтаришни инкор этиб келди ва Маҳаллага юридик шахс мақоми бермади. Шўролар замонида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида бирорта қонун бўлмаган. Маҳалла - совет тузумига ёт институт эди. Маҳалла фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга доир ягона ҳужжат – “Маҳалла кўмитаси тўғрисидаги низом” бўлиб, у 1961 йилда республика олий қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинганди.[12]

«Маҳалла кўмиталари бирон бир молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олди-сотди, ижарага беришишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас» эди. Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган эди. Низомнинг 12-моддасида жумладан, қуйидагилар ёзилган: “Маҳалла (квартал) комитетлари бирон молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланишлари (ошхоналар, қизил чойхоналар, сартарошхоналар ва шу қабиларни ташкил қилишлари ва улардан фойдаланишлари) мумкин эмас, улар олди-сотди, ижарага бериш ишларини бажаришда, квартираларни ижарага қўйиш ишларини амалга оширишда қатнашишлари мумкин эмас”.[8]

Шўролар ҳокимияти йилларидақишлоқларда Маҳалла – фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари вазифасини бажарган қишлоқ жамоаси мавқеига ҳам путур етказишга ва унинг ваколатларини йўқотишга қаратилган сиёсат юритилди. Қишлоқ жамоасининг асл моҳиятини йўққа чиқаришга қаратилган турли қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бу орқали демократиянинг ҳар қандай кўриниши, шу жумладан, қишлоқ жамоаларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувига ҳам салбий муносабатда бўлиниб, жойларда қишлоқ жамоалари зиммасида бўлган ишлар қишлоқ советлари - маҳаллий давлат ҳокимиятлари зиммасига юклатилди.

Қишлоқ биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоли-чорвачиликдан деҳқончиликнинг ажралиб чиқиш маҳсули бўлиб, кишиларнинг тарихан шаклланган оиладан кейинги бирлигидир. Дастлабки қишлоқлар кўчманчи чорвадорларнинг қишни ўтказиш учун тайёрлаган жойлари шаклида шаклланган. Қишлоқ сўзининг ўзагида “қиш” сўзининг туриши фикрларимизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Жуда қадимий тарихга эга бўлган қишлоқ жамоалари жамият тарақиётининг турли босқичларида такомиллашиб, янгича моҳият билан бойиб борган. Бу нарса қишлоқ жамоаларини бошқариш тизимида ҳам, ўзининг ифодасини топган. Қишлоқ жамоаси ҳуқуқий, хўжалик ва ижтимоий меъёр ва мажбуриятларга амал қилинишини мувофиқлаштирган ва назорат қилган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича катта қишлоқлар маҳаллаларга бўлинган ва уларни амин бошқарган. Кичик қишлоқлар эса қишлоқ оқсақоли томонидан бошқарилган. Ўзбек қишлоқ жамоаси маслаҳат кенгаши томонидан бошқарилган. Бу кенгаш оқсақоллар, мироблар ва дин пешволаридпан иборат сайлаб қўйиладиган маъмуриятдан иборат бўлган. “Маслаҳат” жамоа бошқарувининг асосий органи ҳисобланган. Жамоанинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим муаммо ва масалаларни муҳокама қилиб, тегишли ечимга келиш унинг ваколатига кирган. Маслаҳат иштирокчилари муаммо ечимини топишда тарихан шаклланган урф-одат ва аналарга таянганлар. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинган ва у сўзсиз адо этилган. Жамоа урф-одатларини бузганлар ер-сув улушидаш маҳрум қилинганлар. Қуйи Зарафшон воҳасининг кўпгина ҳудудларида маслаҳат билан боғлиқ қоидаларнинг айрим кўринишларини ҳозиргача учратиш мумкин. Масалан, яқин яқинларгача (айрим жойларда ҳозиргача) тўй ва шунга ўхшаш катта маросимлардан олдин “Маслаҳат оши” маросимининг ўтказилганлиги фикримизнинг исботи бўлади.

Қишлоқ жамоасида ҳамқишлоқлар фаолиятига талукли муаммолар ҳал қилинган. Бу муаммолар орасида ер-сув манбаларидан фойдаланиш муаммолари ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Ер-сув улуши жамоада балоғат ёшига етган кишиларга, XIX асрнинг икинчи ярмидан бошлаб эса фақат уйланган ва ирригация мажбуриятларини бажаришга қодир эркакларга берилган. Бу деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан. Маълумки, Шарқда суғорма деҳқончилик мавжуд бўлиб, бу деҳқончилик сув иншоотлари қуриш ва уни сақлаш билан боғлиқ жуда кўплаб муаммоларни ҳал қилишни талаб этган. Шунинг учун бу юмушларни бажара олишга қодир эркакларга улуш берилган ва бу ишларни барча жамоадошлар бирлашиб амалга оширганлар. Қуйи Зарафшон воҳасининг кўпгина ҳудудларида сув иншоотларини, ариқ ва каналларни таъмирлаш ва

тозалаш билан боғлиқ тадбирларнинг ҳозиргача “ҳашар” деб юритилиши ҳам айнан шу билан боғлиқ.

XIX асрнинг охирларигача қишлоқ жамоасининг хўжалик соҳасидаги вазифаларидан яна бири меҳнат тақсмоти, меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилиш каби масалаларни назорат қилишдан иборат бўлган. Йиғиб олинган ҳосил ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнатга қараб тақсимланган.

Чўл ва дашт ҳудудларидаги кўчманчи аҳоли бошқарувини халқ томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар – Элбегилар амалга оширган. Элбегиларнинг фаолияти эл таркибидаги уруғларнинг чорваси учун ажратилган яйловлардан фойдаланиш, уларнинг уруғлар ва жамоалар ўртасидаги тақсмоти, чорва ҳисобидан солиқ йиғини ташкил этиш каби ишлардан иборат бўлган.

Шундай қилиб, энг қуйи маҳаллий бошқарув тизими демократик тамойиллар асосида ташкил этилган бўлиб, халқ орасида ижтимоий адолат, юрт ободонлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилган.

Ана шундай катта хизматларни бажариб келган қишлоқ жамоаси ҳамда чўл ва дашт ҳудудларини бошқариб келган ўзини ўзи бошқариш органлари Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданок советлаштирила бошланди. Бу йўналишдаги энг самарали ишлардан бири районлаштириш сиёсати бўлди.

Ўзбекистонда районлаштириш сиёсатини узил-кесил ўтказишга 1926 йили жиддий киришилди.

Натижалар. 1926 йил 25 – 29 сентябрда Самарқандда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Кўмитасининг V сессияси бўлиб, унда районлаштириш лойиҳаси, давлат бюджети ва иқтисодиёт аҳволи каби масалалар кўриб чиқилди ва тасдиқлади. V сессия 1926 йил 29 сентябрь куни районлаштириш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди. Бу қарор 1926 йил 18 октябрда “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарида босилди. Бу қарорга кўра Ўзбекистон ССРда маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилди ҳамда вилоятлар, уездлар ва волостлар тугатилди. Бу пайтда Ўзбекистон ССРда мавжуд бўлган 7 та вилоят, алоҳида Конимех қозоқ райони, 23 та уезд, 241 та волость ва 1163 та қишлоқ жамоаси ўрнига янги маъмурий бирликлар: 10 та округ, 87 та туман ва 1720 та қишлоқ шўроси (сельсовет) тузилди[9].

Шундай қилиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

қабул қилингунча фаолият юритган маҳаллий вакиллик органларининг уч бўғинли тизими шаклланди ва фаолият юритди. Улар:

1) вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Советлари (Кенгашлари)— юқори бўғин ҳисобланарди;

2) туман, шаҳар халқ депутатлари Советлари (Кенгашлари) — ўрта бўғин;

3) қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Советлари (Кенгашлари) — қуйи бўғин.

Кейинчалик Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитети Советларининг “Қишлоқ советлари ҳақида Низом” (1926 йил 26 октябрь) ва бошқа қарорлари қабул қилинди.[9]

Амалга оширилган чора тадбирлар натижасида қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш ваколатларига путур етказилди.

Қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш ваколатларига путур етказган оммавий тадбирлардан яна бири коллективлаштириш сиёсати бўлди.

1927 йил декабрда бўлиб ўтган ВКП(б)нинг XV съезди мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалиги ривожининг паст даражаси қайд этилган ҳолда, Сталин томонидан қилинган Марказий Комитет ҳисоботида ва В.М. Молотов томонидан қилинган “Қишлоқдаги ишлар тўғрисида” маърузада “деҳқон хўжаликларини босқичма-босқич кооперациялаштириш орқали майда, тарқоқ деҳқон хўжаликларини йирик ишлаб чиқариш жамоаларига бирлаштириш, бунинг учун ерга ишлов беришни машиналаштириш ва интенсивлаштириш асосида ерлардан коллектив асосда фойдаланишни ташкил этиш, умумлашган қишлоқ хўжалик меҳнатини рағбатлантириш” биринчи навбатдаги вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Шунингдек, деҳқон хўжаликларини кооперациялаштириш “мулоқот жараёни орқали ҳам, ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва бирлаштириш йўли билан – янги технологиялар (машиналаштириш, электрлаштириш) асосида катта давлат иқтисодиётига айлантирилиши” таъкидланди. Айни пайтда, йирик коллектив хўжаликларга ўтилиши “фақат меҳнаткаш деҳқонларнинг розилиги билангина амалга ошиши” [5] алоҳида қайд этилган эди. Коллективлаштириш суръати, уни яқунлаш муддатлари ҳақида съезд қарорларида белгиланмаган эди. Партия съездида коллектив хўжалик қурилиши ва умуман, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга қўмаклашиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар, жумладан, пудрат шартномаси, қишлоқ хўжалиги кредити ва машиналар билан таъминлаш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан режали тартибга солиб бориш кўзда тутилган. Кооперация

қурилишига – ҳам истеъмол, ҳам хунармандчилик-саноат, айниқса, қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш ва мустақамлашга катта аҳамият берилди. Бу кооперацияларга барча камбағаллар ва ўрта ҳол деҳқонларнинг аксариятини жалб этилишини аниқларди. Бошқа чора-тадбирлар ҳам ушбу вазифаларга бўйсундирилди, чунончи, солиқ сиёсати, ер тузиш ва ердан фойдаланиш, маданий-маърифий ишлар, деҳқонларнинг ўзаро ёрдам жамиятларини ташкил этиш ва мустақамлаш, қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланишда қонун ҳужжатларига риоя қилиш қабиларга эътибор кучайтирилди.

Лекин минг афсуслар бўлсинки, бу чиройли гаплар қоғозларда қолиб кетди. Коллективлаштириш сиёсатининг жуда катта салбий оқибатларидан тарих гувоҳлик беради.

Хусусан, коллективлаштириш сиёсатининг салбий оқибатида қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг қарийб барча ваколатлари колхоз ва совхозларга олиб берилди. Бу қишлоқ жамоаси ва кўчманчи жамоаларнинг иқтисодий асосларини емирилишига олиб келди.

Шундай қилиб, қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг барча ваколатларига зарба берилиб, қишлоқлар ва овуллар маъмурий буйруқбозлик усули билан бошқарила бошланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина маҳаллаларни ривожлантириш борасида тарихий янги давр бошланди. Жумладан:

– миллий давлатчилик тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилди;

– 1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Маҳалла институтини янада такомиллаштириш, унинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнини тубдан ошириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида ушбу қонун кейинчалик икки марта, яъни 1999 йил 14 апрелда ҳамда 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди.

Сўнгги йилларда маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маҳалланинг “фаол” моделини жорий этиш орқали маҳалла тизимини ривожлантириш ва маҳаллабай ишлашда давлат органлари, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги қатий белгилаб қўйилди.

Тараққиёт стратегиясининг 1-мақсадида ҳам маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш бўйича йўналишлар белгиланди.

Маҳаллаларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, уларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди.

Маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланди.

Барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилди.

Аҳолининг маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ҳозирги пайтда Маҳаллаларнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосида, ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар яратилди. Улар, тўймаърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш каби қўплаб хайрли ишлари билан шуғулланади.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Чоризим ва Шўролар ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати йилларида Маҳалла институти фаолиятига катта зарба берилдики, маҳалла ўзининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги демократик функциясини йўқотиб, айрим диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширадиган қўшнилар уюшмаси сифатида сақланиб қолган эди, ҳолос.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шавкат Мирзиёев *Маҳалла халқ билан давлат ўртасида қўприк бўлиши керак.* // <https://president.uz/uz/lists/view/409>

2. “*Шаҳарлардаги Маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом*”, 1932 й. 17 апрел, // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalla-uz/>

3. Абашинов С. Н. Империя и местное самоуправление. Идеология реформ в русском Туркестане в конце XIX начале XX веков. // <https://mytashkent.uz/2014/01/29/imperiya-i-mestnoe-samoupravlenie/>
4. Абдуллаев М.Ф. Қўлоқларнинг синф сифатида тугатиш сиёсати ва амалий методларининг ишлаб чиқилиши. // Илмий хабарнома, АДУ, №2 2011 йил.
5. Ахмедов Д. Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларига қарши совет ҳукумати иқтисодий босимининг кучайиши (1927–1929 йиллар) // <https://www.researchgate.net/publication/352858384>
6. Бобоев Х., Хидиров З. ва бошқалар. “ Ўзбек давлатчилиги тарихи.(II китоб)”. “Фан ва технология” нашриёти, Тошкент – 2009. , 448 бет.
7. Иброхимов А. Ўзбек маҳалласи. Тошкент, “Маънавият” нашриёти. 2007 й., 47 бет.
8. Маҳалла // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalla-uz>.
9. Норматов О. М. Ўзбекистонда районлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижалари. // <https://journals.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/283-289.pdf>
10. Раунов С.С. Фуқаролик жамияти: кеча ва бугун. Бухоро, “Дурдона” нашриёти, 2016 й., 60 бет.
11. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошарув тарихи. “Янги аср авлоди”, Тошкент-2012й., 556 бет.
12. Якубов У. Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. // <https://xorazm.adliya.uz/main/uz/publikatsii/detail.php?ID=30279>